

“Тасдиқлайман”

“Тұрақүрғон ИЭС қуриш

Дирекцияси”УК

Бош директори

И.С.Басидов



30 12 2021

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

2022 йил бажариладиган ишлар учун

Тұрақүрғон- 2021

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: “БГЖ 1-2 реле химоя ва бошқарув қурилмаларини текшириш бўйича хизмат кўрсатиш-900 МВт”

Танлов нархи : 1006584700 (бир миллард олтмиш беен минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 365 календар куни.

1.5 Ишларни бошлаш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1."Тўракўргон ИЭС куриш дирекцияси" УК (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” маизили:, Наманган вилояти. Тўракўргон тумани Яндама Қ.ФЙ, Кумидон МФЙ.

Эл.адрес: turies@tpp.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- тепловизор текшириш қурилмаси;
 - Ишлар (хизматлар)ни бажариш зарур бўлган меҳнат ресурслари ва малакали мутахассисларнинг мавжудлиги; реле химоя ускуналарида ишлари олиб бориш учун зарур асбоб ускуналар, машина ва механизмлар мавжудлиги;
 - Замонавий синов ва калибрлаш ускуналар хамда ўлчов воситаларини мавжудлигий:
- Химоя ва синов қурилмаси “Омикрон” СМС 156, СМС 356, СМС 353, СМС 256 Plus;
- Ретом-21”, асосий ва ёрдамчи электр қурилмаларни синаш учун универсал синов комплекти;
 - "Ретом- ВЧ" электр энергетика ва алоқа соҳасида юқори частотани синовдан ўтказиш учун синов қурилмаси;
 - Маълумотларни узатиш тизимларининг анализатори An Com A-7;
 - "ТАНГЕНС 2000" изоляциялаш хисоблаш қурилмаси;
 - Юқори кучланишли синов аппарати АВ-60-01;
 - Кўп функцияли изоляциялаш параметрларини ўлчаш қурилмаси МП 3202;
 - Автоматик ўчиргичларни юклаш қурилмаси УПА-10;
 - Керакли синов ва калибрлаш ускуналари, хақиқий текшириш (калибрлаш) билан ўлчаш воситаларини иш жараёнида қуллаш.
 - Бажарилган ишларни меъёрий хужжатлар талабига мувофиқлиги.
 - объектига хос объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
 - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёкат ва ваколатлар;
 - ўз кучлари билан илгари бажарилғаи иш хажмлари тўғрисида маълумотлар;
 - танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (100 фоиздан кам бўлмаган холда);

3.3 Танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга ёки гувохномага эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринищда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қиём, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4 Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади;

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонилийгига жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларий аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва туғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда ишгиrok этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга какли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилгаи ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва

бахолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижадарига доир тушунтиришларий тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.4 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсагилган шартлар асосида тузилади.

Молия ва иқтисод буйича

бош директор ўринбосари

Юрисконсульт

ЭТЖ ва АБТ РТ цехи бошлиғи



И.Ахмадалиев

Б. Хидиров

Р. Абуталипов